

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ АХБОРОТ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ

Б.О.Калимбетов – ассистент ўқитувчи

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Х.А.Маматқулов – педагогика фанлари доктори, доцент

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги

Таянч сўзлар: мотивация, инновация, интернет-ресурс, интеграция, компетенция, касбий компетентлик, креативлик, лингвистика, масофавий таълим.

Ключевые слова: мотивация, инновация, интернет-ресурс, интеграция, компетенция, профессиональная компетентность, креативность, лингвистика, дистанционное обучение.

Key words: motivation, innovation, online resource, integration, competence, professional competence, creativity, linguistics, distance learning.

Замонавий таълим тизими талаблари асосида педагоглар фаолиятини ташкил этиш шакл ва методларини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий ва мустақил таълимни ташкил этиш каби ўқитишнинг янги шакллари шулар жумласидандир. Таълим муассасаларини замонавий техник воситалар билан таъминланиши ва таълим тизимини ахборотлаштирилиши педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг мазкур техник воситалардан фойдаланган ҳолда касбий компетентлигини оширишга алоҳида ёндашишни талаб этади. Шу боис, бугунги кунда жамият учун юқори касбий компетентликка эга бўлган ва айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлик даражаси юқори бўлган мутахассислар ва педагог кадрларни тайёрлаш жуда муҳимдир.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ягона концепцияси тўла шаклланмаган бўлсада, бироқ таълимда ахборот-методик таъминотни моделлаштирувчи компьютер тизимлари тобора кенг ривожланмоқда. Бу йўналишда турли вариантдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг шакллантирилиши, шахсий компьютерларнинг имкониятлари ортаётганлиги, лаборатория ишлари, табиий экспериментларни моделлаштирувчи дастурларнинг яратилаётгани замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини педагогик жараёнларга жорий этишга замин яратади. Умуман айтганда, ҳар қандай педагогик технология мазмунининг асосини ахборот-коммуникация технологияси ташкил этади, дейиш ўринли бўлади, чунки ўқитиш жараёни технологиясининг асосини ахборот ва унинг босқичма-босқич ҳаракати ташкил этади. Компьютер технологияси дастурлаштирилган ўқитиш ғоясини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ўқитишнинг янги, ҳали татбиқ этилмаган, ёки айтарли татбиқ этилмаган янги технологик вариантларини ривожлантиради ҳамда ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларини ўзида мужассамлаштиради.

Компьютер технологияси параметрларини қуйидагича таснифлаштириш мумкин: ишлатилиш даражасига кўра; умумпедагогик фалсафий асосга кўра; шароитга мослаша оладиган, технократик ривожланишнинг асосий омилига кўра. Ижтимоий-психологик билимларни ўзлаштириш концепциясига кўра: ассоциатив-рефлекторли; мазмуни хусусиятига кўра: ёндошувли; педагогларнинг билиш фаолиятини бошқариш турига кўра: компьютерли; ташкилий шаклига кўра: индивидуал ҳамда кичик гуруҳлар тизими; педагог шахсига ёндашув бўйича: ҳамкорлик ўқитиш методи бўйича: “ахборот -операцион - мулоқотли - дастурлаштирилган ўқитиш”; такомиллаштириш йўналишига кўра: ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали йўли; таълим олувчининг

тоифасига кўра: кўп тоифали бўлиши мумкин. Компьютер технологияси бўйича таълимнинг концептуал ҳолатлари сифатида қуйидагиларни олиш мақсадга мувофиқдир: ўқитиш – бу педагог ва компьютер орасидаги мулоқот; мослашув тамойили – компьютерни педагогнинг индивидуал хусусиятларига мослаштириш; ўқитишнинг мулоқотли характери; бошқарилиши: педагог томонидан ихтиёрий вақтда ўқитиш жараёнига тузатиш киритиш имкониятининг мавжудлиги; индивидуал ва гуруҳли ўқитиш шакллари оптимал уйғунлаштириш шароитининг яратилганлиги; педагогнинг компьютер билан мулоқоти учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш имкониятининг мавжудлиги.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб педагогларнинг мустақил ишларини ташкил этиш истиқболли йўналишлардан бири саналади. Маълумки, ўқув материалларининг турли шакллари, жумладан ўрганиладиган жараён ва ҳодисаларни виртуал шаклда акс эттирадиган электрон ўқув-услубий ресурслар, янги мавзуларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган саволларга ихтиёрий вақтда тўла жавоб олиш имкониятини берадиган интеграллашган электрон луғат-маълумотнома, табиий фанларни йўналишлари бўйича виртуал лаборатория ва намоиш-тажриба машғулотлари педагоглар томонидан ўқув фанларини мустақил ўрганишга зарур бўладиган ресурслардан саналади. Мустақил ишни ташкил этишда юқорида эслатилган ресурслардан фойдаланиш тартиби ҳар бир педагогнинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб мустақил ёндашишини ташкил этади. Юқоридагиларни эътиборга олганда, педагогларнинг мустақил иш фаолияти компьютер технологияси: электрон ўқув-услубий ресурслар, интеграллашган электрон луғат-маълумотномалар ҳамда лаборатория ва табиий экспериментларни моделлаштириш тизимидан ташкил топади.

Таълимда интеграллашган электрон луғат-маълумотномалар икки муҳим шартни қаноатлантирмоғи лозим. Биринчидан, у барча педагоглар учун, исталган вақтда мавзулар бўйича луғавий материаллар ҳақида хоҳлаган маълумотни олиш имкониятига эга бўлиш учун шароит яратади. Бошқача айтганда, мурожаат этиладиган луғавий материаллар интеграллашган компьютер энциклопедияси кўринишида, иккинчидан, мазкур луғавий материаллар осон тўлдириладиган ва такомиллаштириладиган бўлмоғи лозим. Компьютерда моделлаштирилган лаборатория ва табиий экспериментларни ўтказиш жараёнларни динамик моделларни ташкил этувчи таркибий қисмларини яратиш билан боғлиқ бир қанча мураккаб масалаларни ечиш имкониятини беради. Педагогларни мустақил ўзлаштирган билимлари сифатини компьютер тест синовлари ёрдамида аниқлаш ва касбий ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида компьютер тизимига эксперт тизими қўшимча қилинган бўлиб, бу тизим ёрдамида электрон тармок

орқали билимларни баҳолаш ва натижаларни етарлича таҳлил қилиш мумкин бўлади. Бундай дастурий маҳсулотлардан мустақил иш жараёни самарасини ва унинг мақсадига эришилганлигини аниқлаш, тингловчиларнинг ўзлаштиришларини чуқурроқ ўрганиш зарурияти нуктаи назаридан уларнинг маълум мавзулар бўйича билим даражаларини таҳлил қилиш, ўқитишнинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадида кенг фойдаланилади. Мустақил ишни ташкил этиш учун яратилаётган электрон ахборот-таълим ресурсларига турли илмий маълумотларни, ўқув материалларини, ахборотларни тақдим этишнинг кенг имкониятлари, хусусан интегратив курсларни киритиш, фаннинг тарихи ва методологияси билан таъминлаш, ижтимоий-гуманитар, касбий фанлар бўйича инновацион билимларни киритиш таълим мазмунини сезиларли ўзгартиришга, кескин бойитишга ёрдам беради, уни фаоллаштириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Компьютер воситаларининг мустақил ишни ташкил этиш имкониятлари нуктаи назаридан таҳлил этилганида, унинг интерфаоллиги, бевосита мулоқот орқали ўқув режасида кўрсатилган фанлар бўйича яратилган махсус дастурий таъминот ёрдамида тингловчиларга мустақил билим олиш имкониятини яратиши билан алоҳида аҳамият касб этиши аниқланди. Компьютер воситаси педагог ёхуд тингловчи муурожаатларига “жавоб беради”, улар билан бемалол “мулоқотга киради” ва улар компьютер таълими методикасининг асосий хусусиятларидан саналади. Компьютерли ўқитиш методикасининг бошқа бир муҳим хусусияти – ўқитиш жараёнининг барча босқичларида, жумладан, янги ўқув материалларини тушунтиришда, такрорлашда, умумлаштиришда, педагогларнинг фан бўйича эришган билим, кўникма ва малакаларини текширишда намоён бўлади. Бундай жараёнларда компьютер турли вазифаларни, хусусан педагогик таълим воситаси, таълим объекти, ўзаро мулоқот ҳамкори каби функцияларни бажаради. Компьютер педагогнинг айрим вазифаларини бажариши қуйидагиларда кўринади: ўқув ахборотининг манбни (педагогни ёки дарсликни қисман, баъзан тўла ўрнини босувчи сифатида); кўргазмалар қўлланмалар (мультимедиа-телекоммуникация имконияти бўлган янги сифат даражасида); индивидуал ахборот муҳитининг яратилганлиги; машқ қилдиргич; педагог билими, кўникма ва малакасини ташхиси ва назорати муҳити. Таълим воситаси сифатида компьютер қуйидагича намоён бўлади: матнларни тайёрлаш ва сақлаш муҳити; матнлар муҳаррири; графикларни тузувчи ва уларнинг муҳаррири; кенг имкониятли ҳисоблаш машинаси (олинган натижаларни турли кўринишда ифода этувчи); моделлаштириш воситаси. Компьютер таълим объекти сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради: дастурий маҳсулотларни яратиш; турли ахборот муҳитидан фойдаланиш. Компьютер ва Интернет ёрдамида кенг аудитория билан боғланиш ва унинг натижаси сифатида ўзаро мулоқотлашувчи ҳамкорлик муҳити яратилади. Компьютер технологиясидан фойдаланиш педагогнинг мустақил фаолияти қуйидаги вазифаларни камраб олади:

1. Таълим жараёнини гуруҳ ва фан кесимида (таълим жараёнининг графиги, ташқи ташхис, жорий, оралик ва якуний назорат ва бошқалар) таҳлилини ташкил этиш.

2. Таълим жараёнида тингловчилар гуруҳини фаоллаштириш ва мувофиқлаштириш, топшириқларни тақсимлаш, кўрсатмалар, гуруҳ ичидаги бошқариш.

3. Тингловчиларни кузатиш, ёрдам кўрсатиш ҳамда улар билан мулоқотни индивидуаллаштириш. Компьютернинг эшитиш ва кўриш имкониятлари

ёрдамида индивидуал ўқитишнинг энг самарали шаклларига эришиш.

4. Компьютер ахборот муҳитини ташкил этувчилар (шахсий компьютер, ўқув ва намоёниш қурилмаларининг ҳар хил турлари, дастурий воситалар ҳамда тизимлар, ўқув-услубий кўрсатмалар, қўлланмалар ва бошқалар) маълум ўқув курсининг мазмуни билан аниқланган боғлиқлик асосида тайёрланади.

Педагогларнинг компьютер технологиялари мазмунига оид қуйидаги таркибий қисмларини ўзлаштиришлари мустақил ишни самарали ташкил этиш имкониятини яратади: информатика ва ҳисоблаш техникасининг асосий тушунчалари; компьютер техникасининг функционал имкониятлари; замонавий операцион тизимлар ва уларнинг асосий буйруқлари; замонавий дастурий воситалар ва уларнинг вазифалари; матн муҳаррирлари; алгоритмлар ва дастурлаштириш ҳақида асосий тушунчалар; амалий дастурлардан фойдаланиш тажрибаси.

Айниқса, компьютер технологияларидан маълум мавзунини ўқитиш бўйича ёхуд алоҳида дидактик масалаларни ҳал этишда асосий, аниқловчи ва муҳим тавсифловчиси сифатида фойдаланиш, компьютер, шунингдек бошқа технологиялар орасидаги муносабатлар мустақил таълимни ташкил этишда долзарб саналади. Таъкидлаш лозимки, компьютер технологияларининг мустақил таълимни ташкил этишга қаратилган яна бир муҳим йўналиши аудио ва видео воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Шу туфайли, компьютер технологиялари орқали мустақил таълимда ўқитишнинг аудиовизуал воситалари ва махсус ишланган аудиовизуал ўқув материалларидан кенг фойдаланиш педагогларнинг билиш фаолиятини бошқаришда муҳим ўрин тутди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, тадқиқотларимиз доирасида ўзлаштиришнинг электрон мониторинг тизими яратилди. Замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилиш асосида унинг ҳолатини аниқлаш, ўқув жараёнларни самарали бошқариш, таълимни мақсадига эришиш даражасини аниқлаш долзарб масалалар қаторига киради. Тингловчиларнинг фанлар бўйича билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин. Бунда педагогик ташхис, тингловчилар билим, малака ва кўникмаларини шаклланиш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик маълумотларни таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларнинг мутахассислиги чет тиллар бўлмаган профессор-ҳодимларини мустақил таълимини ташкил этиш орқали хорижий (инглиз тили) тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот электрон тизими ишлаб чиқилди. Электрон тизимнинг биринчи қисмида ўқитиладиган модул юзасидан барча маълумотлар (электрон дарслик, қўлланма, ўқув-услубий мажмуа ва қўшимча манбалар) жой олган. Тингловчилар модул мазмунини шу қисмда жойлаштирилган ресурслар асосида ўрганади. Бу қисмдаги барча материалларни сервердан юклаб олиб, фойдаланиш мумкин. Тизимнинг иккинчи қисми назорат қисми бўлиб, унда тегишли модул бўйича назорат топшириқлари, назоратларни ташкил этиш учун тест саволлари жойлашган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарори.

2. Краснова Г.А., Беляев М.И., Соловьев А.В. Технологии создания электронных обучающих средств: 2-е издание. – Москва: 2002. –С. 304.
3. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. – Москва: Педагогика, 1998. –С. 493.
4. Иванченко А.Н., Зайцев Р.Г. Квалиметрические модели оценки автоматизированных средств обучения. Проблемы создания автоматизированных обучающих и тестирующих систем. // Сб. науч. трудов. – Новочеркасск: ЮРГТУ, 2001. –С. 226. Фойдаланилган адабиётлар:
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнь “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 200-сон қарори. /“Ўзбекистон овози”, 2002, 8 июнь. № 72.
6. Маматкулов Х.А. Педагогларда инглиз тил бўйича касбий компетентлик даражасини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари // Ж. Илмий ахборотнома. – Самарқанд: 2015. №. 114-118-б.
7. Маматкулов Х.А. Педагоглар компетентлигини ошириш жараёнида ахборот-коммуникация муҳитини яратиш йўналишлари // Ж. Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириў. – Нукус: 2015. № 4. 69-74-б.
8. Маматкулов Х.А. Чет тиллари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари // “Илмий ахборотнома”. – Нукус: 2015. № 2. 25-28-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқитувчиларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда долзарб вазифалари ҳамда педагогик методлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются методы и условия повышения уровня профессиональной компетентности учителей по иностранным языкам.

SUMMARY

The article deals with the methods and ways of developing professional competence of teachers from foreign languages by using informational methodological resources.

USE OF INTERACTIVE METHODS (ROUND TABLE DISCUSSION AND BUSINESS GAME) AND THEIR EFFECTS

M.A.Kurbanova – teacher

University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

Tayanch so'zlar: o'qitishning interfaol usullari, davra suhbatlari, ishbilarmonlik o'yinlari, mahorat, texnologiya.

Ключевые слова: интерактивные методы обучения, круглый стол, деловые игры, мастерство, технология.

Key words: interactive teaching methods, round table, business games, skill, technology.

Introduction. The most important task in creating the future of the country is to educate young people and improve the quality of the educational process. Today, Uzbekistan needs pedagogical models that meet the requirements and values of civil society. Nowadays, it is important that school students are not the object of passive influence, but that they can independently find the necessary information, exchange views on a particular problem, find evidence and rebuttals, and play different roles.

It should be noted that the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev pays special attention to the formation of communicative skills of schoolchildren in foreign languages, which plays an important role in ensuring the future of our country and its development. They are the main ones who can perfectly shape the speech skills of the young generation as well. Decree of the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev No. 4947 "On the Development Strategy of Uzbekistan" dated February 7, 2017 [3], radically improve the quality of general education, facilitate in-depth study of foreign languages, computer, science and some tasks have also been mentioned to improve the teaching process of other specific sciences. Learning a foreign language in school is a complex process of forming the ability to communicate, which already exists with the already developed system of the mother tongue and begins to interact constantly.

In addition, this study serves as a solution to the tasks set by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 10, 2012 No 1875 "On measures to further improve the system of learning foreign languages" [2]. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 8, 2013 No 2909 "On approval of state educational standards for teaching foreign languages in the system of continuing education", as well as other legal acts. All of these are important steps and measures aimed at educating the younger generation. The use of interactive methods in the process of educating and educating the younger generation is a purposeful effort to achieve a comprehensive, convenient and high-quality result.

Methods. In this research, analysis, synthesis methods (in order to highlight the importance of using interactive

methods are used in the organization of lessons and to identify the most effective and therefore widely used types of newly introduced interactive methods). We also use the classification method (to explain the importance and types of interactive methods introduced and recommended by scientists in the examples and the lessons and tasks that need to be considered in the lesson), the system method (research materials to for plash). Induction and deduction methods have also been used in part.

Results. While one of the most common and effective interactive methods is the round table discussions method, another interactive method that can be used in business studies or business-based classes is the business game.

Method of round table.

The round table method entered pedagogy from political science. The roundtable will be organized by representatives of political and scientific circles. The exchange of ideas allows us to find some points of clarity, as it serves to guide the general conclusion in their subsequent work - to achieve scientific truth or political stability. The round table method is used to increase the effectiveness of problem solving with the help of different scientific aspects, different professions of theoretical problems of teaching. For example, in a special section for law students, a science teacher for students studying the personality and activities of a lawyer examined a seminar on "criminal behavior" by the method of a round table [1]. During the training, he asks the same questions as the lawyer on criminal conduct, clarifies opinions, explains, gives examples. The science teacher, on the other hand, is "a beginner at the round table, a lawyer - making a series of additions to ideas. This is necessary because legal questions, especially the specific rights of people (victim or criminal, judge, witness, etc.) and the moral assessment of people's criminal behavior based on the subject and purpose of science, are the subject of the whole course. but also the aspect of the science being studied. The discussion of such questions is active not only because of the participation of a legal scholar, but also because their legal knowledge of crime and the richness of the vocabulary can be used as material for analysis. In this way, the topic is considered from two perspectives - from the point of view of law and the science being studied, so the